



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 5 октябрь, №215 (3043)

Шанба

Унутилмас сана

2001 йил 5 октябрь

Бу санани кўнглида эзгулик туйғуси жўш урган, бунёдкорлик ишларига отланган инсонлар асло эсдан чиқармайди. Негаки, Ер юзини титратган терроризм балосига қарши кураш йўлида бу кун алоҳида хотирга олинади. Агар 2001 йилнинг 11 сентяб-ри инсоният тарихида мислсиз фожеа сифатида эсланса, ўша йилнинг 5 октябри кўнглида ажиб бир ёруғ туйғулар билан хотирланади.

Эсингизда бор, ҳали Америка шаҳарларида рўй берган қонли фожеага бир ой ҳам тўлмаган, дунёнинг турли минтақалари бир-бирдан ваҳимали шов-шувлар оғушига тушганди. Ер кўрасидаги кескин вазият тобора таранглашиб борарди. Террорчи тўралар паноҳ топган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида бир-бирини рад этувчи хабарлар тарқатиларди. Бундай ахборотларда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сафсаталар, бирёқлама қарашлар акс этарди. Чунки жаҳон нигоҳи қаратилиб турган ўша паллада ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий куч ўз манфаатини илгартиришга интиларди. Шундай безовта кунларда АҚШ мудофаа вазири Ўзбекистонга келиши ҳақидаги хабар тарқалганда айрим хорижий ахборот воситалари бир қанча тахминлар ва ғарзди уйдирмаларни тап-тормасдан айта бошлади. Энишки, АҚШ мудофаа вазири Миср, Уммон ва Саудия қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташир буюриши гўё ўртада пинҳона қандайдир шартномалар тузилишидан дарак берармиш.

Нихотки, 2001 йилнинг 5 октяб-рида АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Ўзбекистонга ташир буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройга келган меҳмон билан мулоқот чоғида халқаро террорчиликка қарши кураш масаласи, минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, жумладан, сентябрь ойида АҚШда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан кейин Афғонистон борасида юзага келётган вазият муҳокама қилинди. Тормонлар музокарадан сўнг чет эл ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари хузурда бўлиб ўтган суҳбат ҳақида ошқорча гапириб беришди. Кўпчиликини ўйлантирган барча саволларга биринчи манбадан очиқ-ойдин аниқлик киритилди. Американинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам тинчлик ва осойишталикдан кўра юксак нияти йўқлиги баён этилди. Аини пайтда бундай муқаллас мақсадга томоша бўлиб туриш орқали эришиб бўлмаслиги, тинчлик учун курашиш лозимлиги таъкидланди.

Эртаси кун дунёдаги барча оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Баёноти ҳақида хабар беришди. Унда Ўзбекистон халқи терроризмнинг даҳшатли оқибатларини бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдирини мисолида яхши билиши айтилди. Агар 11 сентябрь воқеаларини кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, терроризм деган равил куннинг даҳшатли башарасини бизнинг халқимиз илгарироқ кўрганлиги таъкидланди.

Президент Баёноти барча уйдирма ва тўқималарни пучга чиқарди. Кечагидек эсимизда, CNN орқали тарқатилган тасвирлар остидаги югурик сатрларда Ўзбекистон номини ўқиб қанчалик ҳаяжонга тушгандик. Ҳа, Ўзбекистон тинчлик учун, бунёдкорлик учун курашган эзгу кучларга ўз бағрини очди. Ҳолбуки, аини ўша дамларда бир қатор давлатларнинг раҳбарлари шамолининг эсишини кузатиб туришар, «Қани, энди буюғи нима бўларкин?» деб иккиланишар эди. Ўзбекистон Президентининг шундай қалтис паллада қабул қилган қарори унинг «Энг катта орузим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!» деган ҳаётий масалага жуда-жуда мос келарди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳонга ўз ниятини рўй-рост баён этди. Мамлакатимиз ҳаво ҳудуди АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб берилди. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Хонобод аэродромига АҚШнинг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат берилди. Бу самолёт ва вертолётлардан фақат қилув-қутқарув мақсадларда фойдаланишига келишилди. Аини пайтда бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговор операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди, бомбази ҳужум операциялари бажарилишига розилик берилмайди. Бундай ечим Ўзбекистон халқининг асл манфаатларига ва албатта, халқаро ҳуқуқ мезонларига тўла мос келарди.

Мана, ўша Баёнотга ҳам бугун роп-роса бир йил тўлди. Вақт — олий ҳакам, дейдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталик учун курашнинг олдинги марраларида ташаббус кўрсатиб келётган Юртбошимиз қанчалик тўғри сиёсат юритганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Ўзбекистон заминида, унинг ён-атрофидаги мамлакатлар тупроғида бугун тинчлик ва осойишталик барқарор. Лекин бунга ўз-ўзидан эришилди-ми?! Истиқлол ҳаля этган юксак қадриятларни кўз қорачиғидек асраш, мустақиллик истеҳкомини мустаҳкамлаш, адолатли демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотларни изчил давом эттириш бунёдкор ва бағри кенг халқ қўдратига таяниб курашиш эвазига эришилмоқда. Ўзбекистон ўз талғаб йўлида собитқадамлик билан давом этиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилинмоқда. Бу йўлдаги эзгу ва саодатли ниятларимизга эришимизда Илбўчишимизнинг тинчликпарвар сиёсати қанот бўлиши, шубҳасиз.

Ш.ЖАББОРОВ.



«Ўзсаламан»нинг довуғи достон

Кўркам ва бежирим, аини пайтда сифатли маҳсулотларга барча жойда талаб бирдай. У ҳеч қачон пештахталару амборларда қолиб кетмайди. Фарғонадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги меваси — «Ўзсаламан» маҳсулотлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бугунги кунда салкам тўрт юз нафар ёш меҳнат қилаётган ушбу корхонада ўн беш турдаги мавсумий пойабзаллар ишлаб чиқарилаётми.

«Ўзсаламан» маҳсулотлари сифати, бежирим ва кўркамлиги билан хорижий харидорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жа-

ҳон андозаларига тўла мос келиши унинг экспорт салоҳияти ошишига сабаб бўлган. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида корхона 160 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилишига эришди. Бу эса ўз навбатида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини кўпайтириш, ишчиларнинг моддий аҳолини янада яхшилашга имкон яратди.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Ойшахон Маҳмудова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Биз ва жаҳон

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЎЗБЕКISTONDA

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ердан фойдаланиш, инфратузилма ва транспорт вазирининг уринбосари С.Ивамура раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Н.Юсупов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Учрашувада бундай ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунини делегация аъзолари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашди. Музокарада ўзаро ҳамкорликнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ҚУВАЙТ ПАРЛАМЕНТИ

ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШИРФИ

Аҳмад Абдулло ар-Рабе раҳбарлигидаги Қувайт парламенти делегациясининг мамлакатимизга таширфи давом этмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон Олий Мажлиси раисининг уринбосари Борис Бугров билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг парламентларо ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қувайтлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикасини Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ганиев билан учрашувада ўзаро савадо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, келгусида белгиланган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари ҳақида фикр алмашди. Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш зарурлиги кайд этилди.

Қувайт парламенти делегациясининг Ўзбекистон молия вазири Мамаризо Нурмуллоев билан мулоқотида икки мамлакатнинг молиявий соҳалари ҳамкорлигини кенгайтириш ҳақида гап борди.

Меҳмонлар В.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш биразамаси давлат акционерлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

(Ў.А.)

Худудий комиссиялар фаолиятига бағишланди

Борасида амалга оширилётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Утказилган бундай изчил ислохотлар самараси ўлароқ, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳажми йилдан йилга ортмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланмоқда.

Аммо тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, қойиларда ислохотлар изчил амалга оширилётганига қарамай ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Уларни бартараф қилишга мазкур комис-

сия ишлаб чиқарган тақдир ва таъсиялар муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олдига қараганда, жойлардаги барча худудий комиссиялар ишини ҳам қўнғилдагидек, деб бўлмайди.

Йиғилишда жойлардаги худудий комиссиялар ишини янада жонлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисида Ўзбекистон Республикасини Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков сўзга чиқди.

(Ў.А.)

Осиё ўйинларида кураш тақдими

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан миллий спорт тури — кураш 1998 йили жаҳон майдонига чиқди. Мана, 4 йилдики, барча қитъаларда миллий курашимиз бўйича чемпионатлар, нуфузли мусобақалар, оммабоп турнирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда курашнинг мазкур тури бўйича IV жаҳон чемпионати ҳам бўлиб ўтди.

Булларнинг ҳаммаси курашни Олимпия ва Осиё ўйинлари спорт турлари қаторига киритишга қаратилган эди.

Шу маънода, 14-Осиё ўйинлари ўтказилётган Пусан шаҳридаги Янган спорт мажмуида 4 октябрда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари учун

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон халқаро телекоммуникация тармоғи — 10 ёшда

Ўзбекистонда 10 йил аввал халқаро алоқа Москва халқаро станцияси орқали ташкил этилган бўлиб, у 13 та паст қувватли телефон каналидан иборат эди. Табиийки, бу республикамизнинг жаҳон мамлакатлари билан тобора ривожланиб бораётган муносабат-

ларида давлатимизнинг халқаро алоқига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш орқали ташкил этилган бўлиб, у 13 та паст қувватли телефон каналидан иборат эди. Табиийки, бу республикамизнинг жаҳон мамлакатлари билан тобора ривожланиб бораётган муносабат-

ларида давлатимизнинг халқаро алоқига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш орқали ташкил этилган бўлиб, у 13 та паст қувватли телефон каналидан иборат эди. Табиийки, бу республикамизнинг жаҳон мамлакатлари билан тобора ривожланиб бораётган муносабат-

(Давоми 3-бетда).

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун?
Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз

- ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,
- икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,
- дунёда рўй бераётган воқеаларга бепарқ бўлмасангиз,

«Халқ сўзи»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил ва рағи»):
<http://mtu.uzrak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирилган учун улар тоширган нақд маблағининг 0,1-1 фоизгача ҳақ тўланади.
Обунани расмийлаштириш, нашрларни муштарийларга етказиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакилларига шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилди.

Карор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 май кунини қабул қилинган 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасини ҳудуддаги товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ва 20 августдаги 295-сонли «Лицензиялашнинг бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ўтаётган йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Шундан келиб чиқиб, ислохотларнинг узвий давом бўлган юқоридаги қарорлар моҳияти, уларнинг халқимизнинг эртаси учун аҳамияти ҳақидаги айрим фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий эътибор республикадан четга товар-моддий бойликларнинг қонуний равишда олиб чиқиб кети-

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 май кунини қабул қилинган 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасини ҳудуддаги товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ва 20 августдаги 295-сонли «Лицензиялашнинг бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ўтаётган йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Шундан келиб чиқиб, ислохотларнинг узвий давом бўлган юқоридаги қарорлар моҳияти, уларнинг халқимизнинг эртаси учун аҳамияти ҳақидаги айрим фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий эътибор республикадан четга товар-моддий бойликларнинг қонуний равишда олиб чиқиб кети-

Халлолик

нафақат харидорни хурсанд қилади, балки сотувчининг қалбини ҳам безайди

лишининг олдин олишти қаратилган бўлса, эндиликда бор куч ички бозоримизни қонуний тарзда четдан кириб келётган моллардан ҳимоялашга сафарбар қилинмоқда. Бунинг сабаби аниқдир. Чунки ҳар бир мустақил давлат, энг аввало, ўзининг ички истеъмол бозорини уялайди. Миллий бойлиқнинг негизини ташкил этувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Шу асосда аҳоли турмушини фаровонлигини таъминлайди.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик учун кенг йўл очиб берилган. Хорижий инвес-

тицияларнинг олиб кирилиши, қўшма корхоналарнинг барпо этилиши иқтисодий жамиятнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг сонини 200 миנגа ошди. Шунингдек, 2 миנגа яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотлари билан нафақат ички бозорларимизни тўлдирмоқда, балки уларни экспорт ҳам қилмоқда. Бу соҳа яқин йиллар ичида иқтисодийнинг таркибидан, ишончлиқ муаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тўлдиршида, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда муҳим ўрин туттиш барчамизга аён.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан минглаб янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг янги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 33 фоизга етди. Савадо-сотиқ ишларининг ҳам ривожланиши натижасида бозоримиз тўқин-соқин, ўзинида ишлаб чиқарилган товарлар билан бирга, хориждан келтирилган турли хил моллар турмушимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Жамият хамиша комил инсонларга эҳтиёж сезади. Бу ҳол худди борлиқ оламдаги табиий жараёнларга ўхшайди...

Комиллик сирлари

Комиллик — яхлит тушунча эмас. Чунки, ҳар жиҳатдан комил бўлиш хийда оғир ва мураккаб жараён бўлиб...

сиз еру бепоеён осмон, мовий булутлар, дарё ва денгизлар, уммонлар, ҳамма-ҳаммаси инсон учун...

Шарқ фалсафаси

Одам ҳар нечук ҳолда, баъзан ҳаёдан, баъзан фаолият жараёнида энг оддий ҳатикларга йўл қўйиши мумкин...

Одам ҳар нечук ҳолда, баъзан ҳаёдан, баъзан фаолият жараёнида энг оддий ҳатикларга йўл қўйиши мумкин...



Дарҳақиқат, маънавий камолот, етук инсонийлик на мансаб, на мол-дунё, на ному насоб билан ўлчанмайди...

Таълим тизимида — ижтимоий муҳофаза

Ҳар нарсадан азиз инсон эрур

Маълумки, ҳозирги ўтиш даврида жамият аъзоларини кучли ижтимоий ҳимоялаш сисэати — инсонни эъозлаш, ривожланишининг ўзига хослигини белгиловчи омиллардан биридир...

Ташикл этилиб, жамоага дастурхон ёзиш яхши аънамага айланди. Профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар ва талабалар соғлигини сақлаш институт маъмурияти ва касба уюшмаси қўмитаси диққат марказида турибди...

саба уюшмаси томонидан модал ёрдам кўрсатилди. Фахрийларимиздан 25 киши Термиз шаҳри тарихий обидаларини зиёрат қилиб қайтди.

Институт маъмурияти ва касба уюшмаси қўмитаси олдинда мизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жамоа кучига таяниб иш юритмоқда.

Институт маъмурияти ва касба уюшмаси қўмитаси олдинда мизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жамоа кучига таяниб иш юритмоқда.

Иқтидорли талабалар учун Яқкабоғ туманининг ҳаёватоғ бағрида жойлашган 80 ўринли «Нихол» талабалар оромгоҳи фаолият олиб бормоқда.

Қаноат тарихига кир...

Қаноат тарихига кир, эй кўнсул, эй кўнсул, эй кўнсул. Қаноат тарихига кир, эй кўнсул, эй кўнсул...

Фано шувласида

Фано — йўқлик, ўлим ёхуд адам маъносининг яна англаб бериш. Қаноат фанонинг бир жузиди...

Бугун табиатнинг аса...

Бугун табиатнинг аса қиёфасини қарийб унутмаган ва борлиқнинг анчагини оддий нуҳусасига маҳв ва маҳдиё бўлганларга ҳазрат Навоийнинг ўғитлари ҳар қачонгидан кўра зарураек тузолади.

Хўна Шарқнинг минг йил...

Хўна Шарқнинг минг йил бурун асос солинган комиллик мактаблари бизнинг руҳимиз ва ақлларимизни ҳар лаҳза қарқаб тургувчи муридид ва устодларга эга...

Бегул пластик жарроҳлик

Фарзандингизнинг юзидан нуқсон борми? Ортиқча ташвишга ҳожат йўқ. Сабоби бу нуқсонни тўғрилаш мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Жанубий Кореянинг Енгсен университети профессори Пак ўзининг махсус гуруҳи билан Тошкент педиатрия институти клиникасида нуқсонли болаларни пластик жарроҳлик йўли билан даволашни йўлга қўйди...

«Смак» музқаймоқлари

Мамакатимизда фаолият юритаётган «Осиё-Вест» компанияси ўз ҳамқори «Юниверс» қўшма корхонаси билан янги маҳсулотлар тақдимоти ўтказди. Маълумки, компания турфа музқаймоқлар, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига хос нуфузга эга. «Смак» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган қирқ хил турдаги музқаймоқлар, ширинликлар, маъданли ичимликлар ва 20 хил турдаги кондитер маҳсулотлари нафақат болажонларни, балки табиийлиги ва сифати билан катталарни ҳам ўзига ром қилган...

Ўзбекистон халқаро телекоммуникация тармоғи — 10 ёшда

(Давомий. Боши 1-бетда).

1992 йилда келиб, NEC фирмаси (Япония)нинг NEAX-61 коммутиацион станцияси ва «Интелсат» тизимидаги ер усти йўлдош станцияси мажмуаси қурилди. Оқибатда уша йилнинг 5 октябрида бошқа давлатлар алоқа каналлари воситаларига қараган бўлмаган ҳолда, тўғридан-тўғри Япония билан дастлабки тўрт канал бўйича биринчи халқаро сўзлашув амалга оширилди. Шу тарзда, Тошкент халқаро алоқаси маркази ташкил этилиб, халқаро телефон алоқаси тезкорлик билан ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси худуди бўйича 886 километр эди. Мазкур алоқа линияси Европа ва Осиёнинг ўн бир давлатини ўзаро бирлаштирди: Германия, Польша, Беларусь, Украина, Туркия, Эрон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғистон, Хитой ўз навбатида Венгрия, Австрия, Руминия, Россия каби мамлакатлар орқали Европанинг транспорт тармоғига уланди.

минг нуқтага етказилди. Бу ўз навбатида халқаро ва шаҳарлараро йўналишлардаги аризаларга автоматлашган иш жойидан оператор орқали эҳди билан хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишни талаб этди. Шу билан бирга, «Интелсат» ер усти йўлдоши орқали телевизион узатувларни ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш тизими фаолаштирилди. Бу талбир бугунги кунда давлатимизнинг халқаро фаолиятини ёритишни таъминламоқда. Ушбу ер усти йўлдоши Марказий Осиё худудида ягона бўлиб, халқаро телевизион сигналларни узатишда сифатли хизмат кўрсатишга ёрдамлашмоқда.

2001 йилнинг август ойида ер усти алоқа йўлдошини янада такомиллаштириш мақсадида ТВ сигналларини узатишнинг рақамли тизими амалиётга татбиқ этилдики, бу ушбу хизмат турининг сифат даражасини янги поғонага кўтаришга сабаб бўлди. халқаро тармоққа интеграциялашув жараёнига имкон берди.



Яқинда мамлакатимизнинг энг чекка тумани Қоровулборда 450 ўринли саннат касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди. У бу масканда бунёд этилаётган маъмурий-маиший биналарнинг яна бири бўлиб, туманинг йил сайин кўркамлашиб боришига хизмат қилади.



СУРАТЛАРДА: коллежнинг умумий қўрилиши ва машурлат шайти. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Пойтахтимиздаги Лаъла Баҳоидир Шастири номидаги 24-урта мактабда мусаввир Турсунали Қўзиёвнинг «Хиндистон қадим маданиятига эҳтиром» деб номланган фотокурғазмаси очилди. Қурғазмадан ўрин олган асарлар Хиндистоннинг ўзига хос маданияти, урф-одати ва аънавалари ҳақида ҳикоя қилади. Хиндистоннинг тарихий обидалари, айниқса «Муҳаббат қасри» — Тоҳмаҳал аке эгитган фото асарлар томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

Муҳаббатдан сўзловчи қаср Пойтахтимиздаги Лаъла Баҳоидир Шастири номидаги 24-урта мактабда мусаввир Турсунали Қўзиёвнинг «Хиндистон қадим маданиятига эҳтиром» деб номланган фотокурғазмаси очилди. Қурғазмадан ўрин олган асарлар Хиндистоннинг ўзига хос маданияти, урф-одати ва аънавалари ҳақида ҳикоя қилади. Хиндистоннинг тарихий обидалари, айниқса «Муҳаббат қасри» — Тоҳмаҳал аке эгитган фото асарлар томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

Бухоро вилоятининг Шифиркон туманида яшовчи ака-ука Шухрат ва Ином Имомовларнинг ноҳуя 50 та қўшма-лари бошларига ташвиш келтирди.

Қўй ўғриси

Навоий вилоятининг «Кони-мех» тумани ИИБга Кони-мех ширкат хўжалиги раҳбарияти ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахслар томонидан шу хўжалик қўноғи Б.Дўсанга бириктирилган 53 бош қўй ўғирлаб кетилганини маълум қилди. Воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари теварак-атрофни сикновик билан қўздан чиқаришга қўйлар қўшни вилоят томон ҳайдаб кетилганлиги ойдинлашди. Тезкор тергов-қидирув ходимларининг сайё-ҳаракатлари тўғриси ўрни қўйувчларнинг «донғи» чиқди. Шундан қилиб, мазкур жиноятга қўл урган ака-укалар ушланди. Ҳаётнинг аҷиб-чўчқини татиб қўрган 42 ёшли Шухрат укаси Иномни тўғри йўлга бошлаш ўрнига ўғирликка шерик қилиб олганини маҳалла-қўшни ҳам, ички ишлар ходимларини ҳам таажублантирди.

Шерали АНВОРОВ, ИИБ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

Жозибали Ва серқурра олам

Яқинда Ўзбекистонда олти кун давом этган III Халқаро симфоник мусика фестивали ҳақида, дунё симфоник мусика маданияти ривожига Ўзбекистонлик санъаткорлари мутахассисларнинг улуши ва уюшмалари ҳусусида Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулло РАҲИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Ҳабибулло ака, яқинда юртимизда III халқаро симфоник мусика фестивали бўлиб ўтди. Ундан қўзланган мақсад ва вазифалар аён, албатта. Ўзбек симфоник асарларини дунё миқёсида тарғиб қилиш, шунингдек, дунёнинг юксак даражадаги симфоник асарлари-

Бизнинг оддий юртдошларимиз ҳозирча рубоб ё танбури — миллий чолпуларни кўпроқ маъқул кўриб туришибди. Лекин вақти келиб, оддий деҳқон ёки фермер уйдаги мусика марказидан бозан симфоник асарларини ҳам мириқиб тинглайди. Лекин бу —



ни ўзбек ижрочилари томонидан намойиш этиш. Булар ҳусусида гапирганидан аввал симфоник мусика ҳақида икки оғиз тўхталсангиз.

— Умуман, мусиканинг барча турларида таржимон шарт эмас, дейман. Бутун дунё мусикаси учун яқин тил воситасини ўтовчи тур мавжудки, бу — симфоник асарлар. Фақат шу тур орқали инглиз ҳам, француз, япон, африкалик ҳам «сузлашишни», «дарлаштишни» мумкин. Лекин симфоник мусика асарлари мураккаб асарлар туркумига кирди. Уни ҳар қандай тилгочини эшитишни ҳамон ҳам қилиб қўйишнинг зарури мумкин. Уларни бир неча марта эшитиш керак. Шундан кейингина ҳақиқий симфоник асарларда ҳам бошқа мусика турларидек ҳаётнинг ҳажжонини тўлиқ равишда тасвирлаш имконияти мавжуд. Агар англаш ва бериш тингловчидан, сизни рағбатлантиришга эришилса, сизни рағбатлантиришга эришилса, сизни рағбатлантиришга эришилса...

— Тўғри, ана шу ранг-баранг дунёга бизнинг оддийгина деҳқон ё бошқа юртдошларимизнинг кириб бориш жараёни ҳусусида нима дейсиз?
— Билсангиз, мусика дунёси шундай жозибали, серқурра оламки, унга сиз ҳодланг ний орқали, хоҳланг думбюра, хоҳланг оркестр орқали кириш. Бу ҳар қимнинг ўз табиати, савияси, дунёқарашига боғлиқ.

дан уялганидан жим, бир неча соат индамай юрибди, кейин нуқул кулармиш.

Ижодий мулоқотларнинг қандай кечганига келсак, ўзбек бастакорлари ва ижрочилари дунё аҳамиятига молик тарихий ва замонавий асарларни маҳорат билан чақдилар. Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, «Утелерадиокомпания»нинг Камер чолғу оркестри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хор жамоаси, солистлар Алдиба Шарипова, Гулшан Азизоваларнинг чиқишлари орқали Ўзбекистоннинг мусика маданиятида ҳам композиторлик, ҳам ижрочилик мактаби ривожланганига иқдор бўлишди. Жумладан, италиялик Микелле Пешучо «Тошкент нафақат Урта Осиёнинг маданият маркази, балки жаҳон маданият маркази сифатида иш юритишга тайёр ва муносиб шаҳар», деб баҳолади. Татаристон Республикаси Композиторлар уюшмаси раиси Рашид Калимуллин 2003 йилда ўз юртида Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилаётганини айтди. Фестивалнинг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, унда «Устолар сабоғи» даре соатлари уюштирилди. Баъзан маблаг билан ҳам қорай олмайдиган таниқли мутахассислар Бетховен, Гайдн, Моцарт асарларини ижро этишининг нозик сир-синоатларидан, улар мактабининг ўзига хос қирраларидан сабоқ беришди.

— Гапирганигизга қараганда, фестиваль ўтишидан бизнинг соҳада ва бастакорларимиз кўпроқ манфаатдор бўлишмоқда. Бошқа давлатлар мусиқашуносларининг манфаатдорлик жиҳатлари нималардан иборат бўлади?
— Аввало, улар янги тараққиёт йўлига кирган. Ўзбекистоннинг қанақадангина ўз қўли билан қўрилган, Қолаверса, ўз асарларининг хориж давлатларида қўйилишидан молдир ва маънавий манфаатдорлар.

— Симфоник мусика асарларининг тарғиботи билан боғлиқ қандай ишларни режалаштиришмоқда?
— Ушмоқимизда ҳар жума кун мусика соатлари ташкил этиб, ойма-ой пойтахт туманлари мактаблари ўқувчиларини бу асарларга жалб этмоқчимиз. Электронлар билан биргаликда XXI аср жаҳон мусикасига оид суҳбатлар уюштиришни ҳам мувожадатимиз.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!
Мамлакат НОРМУРDOVA суҳбатлашди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

янги бўлган спорт тури — кураш тақдими ҳақиқий тарихий санага айланди. Халқаро Олимпия Кўмитаси ўйинларидан жой ола бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, курашдек қизиқарли спорт турини дунёга туҳфа этган Ўзбекистон мустақилликнинг 11 йилдаёқ миллий спорт тури дунё ҳамжамияти мулкига айланиб қолди.

Шу қисқа вақт ичида кураш том маънода халқаро спорт турига айланди. Сайёрамизнинг барча қитъаларида у билан шуғулланув-

Осиё ўйинларида кураш тақдими

чилар сони ортиб бормоқда. Энг муҳими, Кураш Халқаро Олимпия Кўмитаси ўйинларидан жой ола бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, курашдек қизиқарли спорт турини дунёга туҳфа этган Ўзбекистон мустақилликнинг 11 йилдаёқ миллий спорт тури дунё ҳамжамияти мулкига айланиб қолди. Илгари хабар қилганимиздек, Пусандаги Осиё ўйинларида кураш тақдими Осиё Олимпия Кенгаши раҳбарияти, шаҳсан унинг президенти шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ томонидан расман маъқулланди. Бугун замонавий Янгсан спорт мажмуида ку-

раш тақдими катта муваффақият билан ўтказилди. Бу тадбирда бир неча минг томошабин иштирокчида Осиё Олимпия Кенгаши Бош қотиби Р.Сингх, вице-президенти Ф.Раҳимов, спорт қўмитаси раиси В.Жизон ва Осиё ўйинларида иштирок этган 44 та мамлакат вакиллари қатнашди. Тақдимо маросими аввалида Халқаро кураш ассоциацияси президенти ва курашнинг халқаро қоидалари муаллифи, таниқли спортчи Комил Юсупов ушбу чинакам ўзбекча кураш тури усуллари кўрсатиш берди. Шундан сўнг Мўғулистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркменистон ва Ўзбекистон полвонлари-

нинг кўргазмалли чиқишларида томошабинларга кураш қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари намойиш этилди ва бир қанча кўргазмалли жанглар ўтказилди. Тақдимо якунида томошабинлар стадионда ўрнатилган улкан экранда ўзбек спортининг қадим ва бой тарихи, бугунги кунда дунё майдонида жадвал ривожланган турғисида фильм томоша қилишди. Шундай қилиб, курашнинг жаҳон майдонида янада раванқ топиши йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. У спортининг келгусида Олимпия ўйинлари раъсий дастурига киритилишида муҳим аҳамиятга эга.

(ЎЗА).

Зилзила офати

Хавфсизлик маданиятини оширишни талаб этади

Табий офатлар инсоният бошига оғир қудратлар солади. Экологик муҳитга, ҳалқ ҳўжалиғи тармоқларига катта зарар келтиради. Улар инднинг турли даражиди, турли ҳудудларда содир бўлади. Табий ҳодисалар ичида катта моддий зарар келтирувчи оғир жараҳатлар сабаб бўлувчи офат — зилзиладир. Статистик маълумотларга қўра, ер юзида ҳар йил турли кучга эга бўлган юз мингдан ортиқ ер силкиниши қайд этилади. Жумладан, аҳолисининг сони турлича бўлган Япония, Америка қитъасининг айрим ҳудудлари, Италия, Греция, Туркия ҳудудлари зилзиладор бўлиб тураларини ҳўжлар қаторига кирди. Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида ҳам ер силкинишлари содир бўлади. Шуларни эътибордан олган ҳўда зилзила оқибатларининг катта зарар келтирадиган йўллари топиш, ҳалқ ҳўжалиғи объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳўзирги куннинг долзарб масаласи ҳўсболанади. Мутахассислар фикрича, табиатини ўрганиш орқали унда бўлаётган жараёнларини ва хавфли ҳўдисалар келтириб чиқараётган сабабларини билиш мумкин. Шу ўринда моддий ва маънавий бойликларимизни, айниқса халқимиз саломатли-

тон Республикаси Фавқўлда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисидаги Карорига қўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Фавқўлда вазиятлар вазирлигига республикада Давлат сейсмик хизматини яратиш вазифаси топирилган. Ундан қўзланган мақсад сейсмологик тадқиқотлар соҳасидаги ишларни тўлаб яхшилаш, таънаҳ сейсмик станцияларни замонавий рақамли сейсмик станциялар билан жиҳозлаш, сейсмик маълумотларни узатувчи тежор алоқа каналини ишлаб чиқиш ва шу йўналишда бошқа ишларни амалга оширишдан иборат. Табий ҳўдисаларнинг қай даражада хавфлилиги ва қанча зарар етказиши мумкинлигини дақиқ аниқлаш тўла хавфсизликни таъминлаш учун, аввало, ҳар бир одам ўзи яшаб турган минтақада зилзиланинг энг юқори кучи ва у етказиши мумкин бўлган вайронликлар, ўзи яшаб турган бинонинг зилзилага бардошлилиги ва бошқа маълумотларга эга бўлиши лозим. 1966 йил 26 апрелда содир бўлган Тошкент зилзиласи сабоқлари шаҳар қўрилиши, яқка тартибда турар жой биноларни қўрилишида ерсеизлик, сув таъминоти, ер ости йўллари бунёд этишда амалга ошири-

ладиган қўрилиш-йиғиш ишларидаги хато ва камчиликларга йўл қўймастик, сейсмик хавфсизлик меъёларининг баҳарлишини таъминлаш учун уларнинг устидан назоратни кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Биноларни қўришда ота-боболаримиз фойдаланиб келган сингли ёки пахса деворлар асосидаги бинолар зилзила кучига бардошли бўлиб, унда яшовчиларнинг ҳўзини маълум даражада сақлаб қолишга имкон беради. Ҳўзирги кунда шаҳар қўрилишида хусусий биноларни қўришда, қўрилиш меъёри ва қоидаларига амал қилинса, биноларнинг зилзилабардошлилиги назоратдан ўтказиб турилса, зилзилаларнинг салбий оқибатлари бирмунча камайтирилган бўлар эди. Умуман, хавфсизлик маданиятини ошириш таълим тизимидаги ўқувчи ёшларни, ёши ва касбидан қатъи назар аҳолининг барча тоифасини фавқўлда вазиятларда муҳофазатлашга тайёрлаш ишга катта эътибор беришни талаб этади. Бунга ҳўзирги кунда ҳўкукий база яратилган, фуқаро муҳофазаси борасида керакли конулар, ҳўкумат қарорлари қабул қилинган ва республика стандартлари ишлаб чиқилган, тасдиқланган. Фақат бу йўналишдаги ишларни доимий равишда олиб боришни, тақомиллаштиришни унутмаслик керак.

Миржалил ЮНУСОВ, Фавқўлда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтини кафедра бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул қотиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. СИЗАЕВ,
- М. РАҲАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁЛОВ,
- И. ШОҒУЛОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 137-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977. 27225 нусхада босилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терияд ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи қотиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА. Навбатчи — М. НОРМУРDOVA. Мусахҳух — Ш. МАШРАБBOEV.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўғоздан зилб материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилад — 21.00. 1 2 3 4 5 6

САВОЛ БИЗДАН...
Атмосфера босими мавжудлигини ким биринчи бўлиб исботлаган?
136-35-60
Кечаги сонда берилган саволини жаъобиб: «Нотўғри» сўзи шундай ёзилди.

Тахририятга хат келди
Дуо олаётганлар
«Кексаларни оқат асрайдим», дейишди. Республика тиббиёт санитария бирашма-сининг 2-марказий шифохонаси тиббиёт ходимлари эса кексаларни ширин муомала ҳам асрайдил, ҳам доволайдил, деб ҳисоблашди. Шифохона охириги йилларда жуда қўрқамлашди. Ҳовли сатҳининг текислигини, турли шақлар берилган манзарали даракторлар, саранжом-саринталик нафақат беморларга, шифохонага таъриф буюрган ҳар қандай кишиларга яхши қадрият бағиш-лабди. Биз қарияларга ниҳоятда асқотаетган эндокринология — янги бўлим очилди. Шифохонадаги кексаларбоп шарт-шароит ва ўзгаришларга бош-қош бўлаётган бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоиди Нилуфар Аҳмедова камтариди ва ҳушмуомалалиги билан бу ишларга муносиб ҳисса қўшган бўлса керак. Раҳбар ишчи турти ташкил этса, жамоасидаги тиббиёт ходим-ларига доволашнинг илк ва муҳим восита-

Хотира
Ибратли умр
дол баҳслаша олади. Мен у киши билан икки марта учрашганман, аммо самийин суҳбат, илдк муносабат, табар-рук ёшдаги бу покиза инсон-даги болаларга хос хислатлар бир умр ёнимда қолган. Имомназар ака тиниб-тиничимас, доимо нимадир қилиш тарадулида юрдиған, янгиликка ўч киши эди. 13-ўрта мактабта 20 йилдан ортиқ раҳбарлик қилиб, пенсия ёшига етган, дам олишга қарор қилди. Лекин туман халқ таълими бўлимидаги «Домла, ҳали бизга кераксиз, шундай ҳаёт ва педагогик тажрибан-гиз билан сизга уйда ўтириш ярашмайди» деб рўксат бериш-мади. Шундан кейин у киши яна ўрт ўил мактабда ёшларга сабоқ берди. Аммо Имомназар ака ҳалол, покиза инсон эмасми, пенсия ёшида ишлаб, раҳбарлик лавозимида бўлишга виждоний қийналарди. У киши яна туман халқ таълими бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Раҳбарлар домла-нинг раъфини қайтаргиси кел-мади, лекин энгилроқ бўлса ҳали соҳада ишлаш шарт билан рўксат беришди. Шунда домла туман мар-кази — Баландқачқир қишло-ғида иқтидорли болалар ли-цейига раҳбарлик қила бош-лади. Бу ерда ҳам катта иш-ларни амалга оширад. Синф хоналари замонавий компью-терлар, ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Билимди, ўз ус-тида ишлайдиган ўқитувчилар жамоага тақдиф қилинди. Дастлаб унга яқин ўқувчи таъ-лим олган билим даргоҳида қисқа фурсатда уларнинг сони 30 нафардан ошди. Лицейнинг обрўси йилдан-йилга ошиб бо-риб, унга туманнинг турли қишлоқларидан бидимли ўқув-чилар ўқишга кела бошлаш-ди. Бу ерда Имомназар ака умрининг охиригача, яъни жор-ий йилнинг баҳоригача ўзи сегап, бутун умр арақлаб кел-ган касбининг давом эттирди. Имомназар ака босиб ўтган йўл ҳар жиҳатдан ибратлидир. У кишини нафақат Жиззах ви-лоятида, балки қўшни Сирдарё вилоятида ҳам қўнчилик ҳур-мат қиларди. Ҳўзир ҳам уни таниган, билган кишилар эъозлаб тилга олишадди. **Ҳосия КАРИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
256-хона

НА ЛЮБОЙ ВКУС 5 ЛУЧШИХ СОРТОВ ИЗ ВЕНГРИИ
РАСФАСОВКА В КОРОБКАХ ПО 1 КГ.
ГАЗОННАЯ ТРАВА
РАСХОД 35 - 40 КВ.М.
ПО ЦЕНЕ 7,5 ТЫС. СУМ. ЗА 1 КГ.
т.: 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

UZBEKISTAN SENIOR SECONDARY EDUCATION PROJECT
LOCAL EQUIPMENT EXPERTS
The Asian Development Bank (ADB) Senior Secondary Education Project is a four-year project, the objective of which is to enhance the provision of education for senior secondary students, under the President's National Programme for Personnel Training (NPPT). The Project works directly with 45 Senior Secondary Education (SSE) institutions (42 professional colleges and three lycеums). It is based in the Centre of Secondary Specialized Vocational Education (CSSVE), Ministry of Higher and Senior Secondary Education, and is administered by a Project Implementation Unit (PIU).
The Project is seeking to recruit THREE Local Equipment Experts for an assignment lasting one to three months. The Experts will work with a team of international equipment experts and assist them to prepare specifications for equipment to be supplied by the Project to professional colleges. Candidates should have a good understanding of the Senior Secondary Education system, its subject specialisations and the use of equipment in professional colleges. They should also have the ability to work as part of a team, good communication skills, including a reasonable standard of spoken and written English and fluent Uzbek and Russian.
The persons appointed to these positions will be employed by Cambridge Education Consultants (UK) and will work as part of a team with the International Equipment and Procurement Experts, in liaison with counterparts from the CSSVE PIU and its expert subject groups, professional colleges and vocational masters. The posts may involve some travel outside Tashkent.
Please apply in English with a supporting letter indicating why you are suitable for this post and enclosing your CV, evidence of your academic qualifications and reference letters or the names of at least two referees, to: David Royle, Team Leader, Senior Secondary Education Project, 14th Floor, 5 Mustakillik Square, Tashkent 700078 Tel/fax: 139-1185 or Tel:139-1583
The closing date for applications is 12 October 2002. Only candidates selected for interview will be contacted.

Давлат Божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий тарқийб қўмита масъул ходими Раҳ-матжон Мухаммаджоновга онаси
Хайринос
ТОШМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия из-ҳор этади.
Тошкент Давлат юридик институти жа-моаси «Чет тиллар» кафедраси доценти Хо-лида Абдурахмонова онаси
Манура МАХМУДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия бил-диради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағгармаси уюшма аъзоси, «Ўзбекистон ада-биёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири ва-зифасини бажарувчи Мурод Абдулдаевга отаси
Абдулла бобо ЭШМУРDOVнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик из-ҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси институт доценти Муборахон Усмоновга тур-муш уртоғи
Баҳодир ТОҲИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъ-зия изҳор этади.